

ISSN 2181 - 7286  
3/2023

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР



**ISSN 2181-7286**  
**3/2023**

# **Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар**

**Тошкент – 2023**

## **МУНДАРИЖА**

### **ФАЛСАФА**

**Маматқұлов Р.Ү.** Манбаатлар мувозанати - жамият тараққиётининг муҳим шарти...**6**

### **ТАРИХ**

<b>Mamadaliyev X.</b> Farg‘ona vodiysi shaharalarida dumalar faoliyati.....	<b>10</b>
<b>Mamadaliyev Sh.</b> Turkistonda XX asr 20-yillari boshlarida ocharchilik bolalarni qutqarish yo‘lida qilingan harakatlarning o‘rganilishi.....	<b>14</b>
<b>Мирзаев А.</b> Институт кечки ва сиртқи бўлимларининг институтнинг ривожидаги ҳиссаси.....	<b>18</b>
<b>Бердиев Х.А.</b> «Бобурнома» асари тарихнавислигининг айрим жиҳатлари.....	<b>23</b>
<b>Norboyev S.Q.</b> Ilk yozma manbalarda qadimgi sug‘d.....	<b>30</b>

### **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

<b>Usmonova O.Y.</b> “O‘tgan kunlar” romanini tahlil qilish orqali talabalarda kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish.....	<b>35</b>
<b>Назаров О.Д.</b> Медиакомпетентликни ривожлантиришнинг электрон-методик тизими.....	<b>40</b>
<b>Каримова Н.А., Умаров Ф.Х.</b> Трудности внедрения современных информационных технологий.....	<b>48</b>
<b>Hasanov U.J.</b> “Teknik tizimlarda axborot texnologiyalari” fanini o‘qitishda Google Classroom platformasidagi virtual sind imkoniyatlaridan foydalanish.....	<b>52</b>
<b>Зокирова Ф.Р., Сафаров Л.З.</b> Инновацион технологияларнинг педагогик қарашлари.....	<b>61</b>
<b>Акбарова Ш.А., Хожиназаров А.Х.</b> Таълим моделлари ва дарс жараёнини компьютерлаштириш.....	<b>65</b>
<b>Кадиров М.М., Азизжонов А.У.</b> Большой вклад информационных технологий в повышение качества педагогического образования.....	<b>69</b>
<b>Xakimov J.O.</b> Talabalarning axborot-loyihalash faoliyatining rivojlanish tendensiyalari va hozirgi holati.....	<b>73</b>
<b>Якубова Б.Б.</b> Талабаларнинг мустақил таълими жараёнда оммавий равища онлайн равища очиқ курслардан фойдаланиш.....	<b>77</b>
<b>Алиев И.Т., Казакбаева Н.А.</b> Кредит-модуль тизимида талабанинг мустақил таълим турларини ўрганиш.....	<b>81</b>
<b>Пулатова О.Х.</b> Мулоқот этикасини шакллантиришнинг омиллари ва воситалари.....	<b>89</b>
<b>Каримова Н.И., Зокирова Ф.Р.</b> Ахборот технологиялари таълим сифатини оширишга хизмат қиласи.....	<b>93</b>
<b>Омонова М.Д.</b> Олий таълим муассасаларида талабаларнинг танқидий фикрлаш кўникмасини шакллантириш.....	<b>97</b>
<b>Мустафоева Д.А.</b> Методы развития кластерного подхода в высших учебных учреждениях.....	<b>101</b>
<b>Авлаев О.У.</b> Талаба камолотига таъсир этувчи омиллар.....	<b>106</b>
<b>Xusanov E.T.</b> Yangi O‘zbekiston taraqqiyotida ekologik madaniyatni rivojlantirishning xuquqiy-nazariy asoslari.....	<b>114</b>

## ИҚТИСОД

<b>Очилова Х.М.</b> Таълим кластерларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти.....	<b>123</b>
<b>Tagaev B.E.</b> Non-standard employment as a new trend in labor market.....	<b>128</b>
<b>Ubaydullaev Q., Sabirbaev D.</b> Qishloq xo'jaligi sohasida investitsiyalar va investitsion faollikni oshirishning ahamiyati va takomillashtirish yo'llari.....	<b>134</b>
<b>Каримов Д.М., Адилов Б.Б.</b> Социально-экономические аспекты борьбы с бедностью в пост пандемию: международный опыт и ситуация в Узбекистане.....	<b>143</b>
<b>Каримова Л.С.</b> Интеллектуал капитални такрор ҳосил қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар.....	<b>149</b>
<b>Boboev A.Ch.</b> Iqtisodiyotni rivojlantirishda sayohat va turizm sohasining ahamiyati.....	<b>157</b>
<b>Мирзарахимова А.А.</b> Билимлар иқтисодиёти: тушунчалар ва ўзига хос жиҳатлари.....	<b>158</b>
<b>Мухитдинова К.А.</b> Инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг хориж тажрибаси ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш истиқболлари.....	<b>165</b>
<b>Митрушова М.Л.</b> Аналитические подходы оценки экономической безопасности государства.....	<b>171</b>
<b>Эгамбердиев Ф.Т., Исраилова Х.М.</b> Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамияти.....	<b>176</b>
<b>Raxmonova D.S.</b> Фикрлаш дизайнни креативлийкнинг шарти сифатида.....	<b>179</b>
<b>Эшбобоев Д.Э.</b> Меҳмонхона саноати ва менежерларга қўйиладиган касбий талаблар.....	<b>184</b>
<b>Мирзаев С.А.</b> Курилиш саноати корхоналарида замонавий бошқарув тежамкор ишлаб чиқариш.....	<b>190</b>
<b>Исмоилова С.Я.</b> Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг истиқболлари.....	<b>196</b>
<b>Сапарова М.А.</b> Рақамлаштириш шароитида чакана савдо корхоналари ривожланишида маркетинг стратегияларининг ўрни.....	<b>211</b>

Журнал Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан  
рўйхатга олинган, 2007 йил  
22 январь, № 0205 сонли  
гувоҳнома

ISSN 2181-7286. Иқтисод  
бўлими ОАК рўйхатига  
2019 йил 1 январдан,  
Педагогика бўлими 2019  
йил 29 июндан, Тарих,  
Фалсафа, Психология  
бўлимлари 2022 йил 30  
ноябрдан, киритилган.

Журнал зарегистрирован  
Узбекским агентством по  
печати и информации 22  
января 2007 года,  
свидетельство № 0205

ISSN 2181-7286. С 1  
января 2019 г. журнал  
включен в перечень ВАК  
экономического отдела, с  
29 июня 2019 г. – в  
перечень отдела  
педагогики, с 30 ноября  
2022 г. – в перечень  
отделов истории,  
философии и психологии.

The journal was registered  
by the Press and Information  
Agency of Uzbekistan,  
January 22, 2007, certificate  
No. 0205

ISSN 2181-7286. The part  
of of Economy has been  
included in the list of Higher  
Attestation Committee since  
January 1, 2019, the part of  
Pedagogy since June 29,  
2019, and the parts of  
History, Philosophy, and  
Psychology since November  
30, 2022.

## **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

---

4. Андреев, А.Л. Компетентностная парадигма в образовании: опыт философско-методологического анализа // Педагогика. - 2005. - № 4. - С.19-26.
5. Бартрам Д. Великие восемь компетенций: критериально-ориентированный подход. Статья в Журнале прикладной психологии 90(6):1185-203. ноябрь 2005 г.
6. Баррон Ф., Харрингтон Д. Креативность, интеллект и личность // Ann. преп. психолог. -1981. - Том. 32. С. 439-476.
7. Мирзиёева С. Ш. «Совершенствование методологии разработки и реализации региональных социально-экономических стратегий. Икт. наук. номзод. дисс. автореф. М.: 2021. -15 с.
8. Ахмадалиев С.Ю. Научно-методические основы адаптации будущих учителей трудового воспитания к профессионально-педагогической деятельности.: Пед.фан.ном. ... дисс. - Т. - 187 с.
9. Зеер Э.Ф. Психолого-дидактические конструкции качества профессионального образования. // Журнал «Образование и наука». 2002. № 2 (14).
10. Мухаметшина Р. Ф. Кластерный подход в системе непрерывного гуманитарно-педагогического образования. URL: kpfu.ru

**УДК: 37.015.324**

### **ТАЛАБА КАМОЛОТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

### **ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ СТУДЕНТОВ**

### **FACTORS, INFLUENCE ON STUDENT DEVELOPMENT**

**Авлаев О.У.** (ЧирДПУ доценти, психология  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))

*Мақолада талаба камолотига таъсир этувчи омилларни эмпирик ташкил этилган натижалар асосида илмий-амалий муҳокама қилинганд. Шунингдек, психолог камолот ҳақида олимлар фикр мулоҳазалари келтирилган. Тажрибада талабалар психологик камолотининг умумий ҳолатини ўрганишига эришилган. Психологик камолот борасидаги изланиши натижаларига кўра талабалардаги тафовутли ҳолатлар ўрганилаётган муаммо бўйича доимий равишда шахс камолотининг ҳар бир даражасида ўзига хос ижобий аҳамиятли сифатлар кузатилиши аниқланди.*

*Шунингдек шахс камолотида ижтимоий интеллектни ўрни ҳам ўрганилган. Талаба психологик камолот даражалари методикаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қуий, ўрта, ўртадан юқори, юқорига ажратилган. Эмпирик натижалар ўзаро даражалар бўйича қиёсий талқин этилган.*

**Калит сўзлар:** талабалар психологик камолот, психологик ёш, ижтимоий ёш, сензитивлик, ижтимоий интеллект.

*В статье рассматриваются факторы, влияющие на зрелость студентов, на основе эмпирически организованных результатов. Существуют также научные мнения о зрелости психолога. В ходе эксперимента удалось изучить общее состояние психологической зрелости студентов. По результатам исследования*

## **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

---

психологической зрелости было установлено, что в разных случаях у студентов постоянно наблюдаются положительные качества на каждом уровне развития личности по изучаемой проблеме. Также изучается роль социального интеллекта в развитии личности. Уровни психологической зрелости студентов делятся на низкий, средний, высокий, средний и высокий, в зависимости от характера методики. Эмпирические результаты были сравнительно интерпретированы на reciprocalных уровнях.

**Ключевые слова:** психологическая зрелость студентов, психологический возраст, социальный возраст, чувствительность, социальный интеллект.

*The article discusses the factors influencing student maturity on the basis of empirically organized results. There are also scholarly opinions about the maturity of the psychologist. In the experiment, it was possible to study the general state of psychological maturity of students. According to the results of the study of psychological maturity, it was found that the different cases in students are constantly observed positive positive qualities at each level of personality development on the problem under study. The role of social intelligence in the development of the individual has also been studied. The levels of student psychological maturity are divided into low, medium, high, medium, depending on the nature of the methodology. The empirical results were interpreted comparatively on reciprocal levels..*

**Key words:** psychological maturity of students, psychological age, social age, sensitivity, social intellect.

### **Кириш.**

Шахс камолотга эришиш муаммоси инсониятнинг азалий эзгу нияти бўлиб, ижтимоий-тариҳий тараққиёт даврининг барча босқичларида ўзининг бирламчилиги, ўта долзарблиги билан алоҳида ижтимоий, маънавий, иқтисодий, сиёсий, хуқуқий аҳамият касб этиб келган. Худди шу боисдан инсон шахси, унинг камолоти, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, фаолият, тажриба ва интилишнинг роли масалалари XXI асрда тадқиқот этилишга мухтождир. Шунга қарамасдан, бир томондан, инсонни ўрганишда дифференциация ҳодисаси юз бермоқда, иккинчи томондан эса инсон тараққиётининг синтетик (бирикув) тавсифи бўйича интеграция ҳолати кўзга ташланмоқда. Инсон бир қатор фанларнинг тадқиқот обьекти эканлигини йиғиқ, ихчам, яхлит тарзда тасаввур этиш учун уни биосоциал ва социобиологик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

### **Мавзунинг долзарблиги.**

Жаҳонда ёшлар салоҳиятини ривожлантириш ва амалга ошириш, шахс ўз-ўзини англаш ва ижтимоий интеллектни муваффақиятли бошқариш шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, психологик жиҳатдан етук шахсларни шакллантириш муаммоларига асосий эътибор қаратилган [1].

Психологик жиҳатдан етук инсонлар ҳар қайси давлат ва жамиятнинг асосий таянчи ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи экан, замонавий ижтимоий-гуманитар билим соҳасида ушбу муаммога жиддий эътибор қаратилиши ва кўп йиллар давомида психологияда шахснинг камолоти муаммоси сақланиб қолмоқда. Айниқса экзистенциал ва гуманистик психологияда тегишли «ўзини ўзи англаш» [3], [2] «тўлиқ фаолият кўрсатувчи», «етук» ва «соғлом» [10] [10] каби тушунчалар

## **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

---

киритилди. Камолот тушунчаси В.И.Дальнинг рус тили изоҳли луғатида (зрелость) “етилиш, пишиш, ўйлаб, фикрлаб иш кўриш даври” деб ифодаланган [7]. [4]

### **Мавзу бўйича илмий адабиётлар таҳлили ва методология.**

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, камолот мезонларини ишлаб чиқиш ва таҳлилида “камолот” тушунчаси “кatta бўлиш”, “камол топиш” тушунчалари билан уйғунлашиб синонимик қаторни ташкил этиши мумкин. Лекин аслида, субъектив фаолият ва шахс ҳақида гап кетганда, улар, албатта, мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Катта бўлиб етилиш бу ҳали камолот эмас. У инсоннинг камолотига бевосита боғлиқ характерли хусусиятларни таъкидлаб ўтади. Булар: а) шахсий ва функционал ўзгаришларнинг гетерохронлиги; б) тарихий ўзгаришлар шароитида ёш ва индивидуал ўзгарувчанлик.

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, инсон ўқув фаолиятидан меҳнат фаолиятига ўтганда камолот бошланиб, у фуқаролик, ақлий ва ахлоқий камолот йўналишларида намоён бўлади [4,158-159]. [5]

Професор Г.Б.Шоумаров “камолот” тушунчаси маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни “ҳаётий билимлар” билан боғлиқлигини таъкидлайди. “Ҳаётий билимларни ўзлаштириш”, “Ҳаёт университетларидан” ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшдаёқ “ҳаётни яхши билиб олади”, кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турли жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир ёш, вакт оралиғини мутлак кўрсатиш мумкин эмас [14]. [6]

Камолот даврида интеллект ва тафаккурнинг ривожланишига тўхталадиган бўлсак, Фульдс ва Равен фикрича, 20 ёшлиларда мантиқий тафаккур қобилияти 100%, 30 ёшда 96%, 40 ёшда- 87%, 50 да – 80% ва 60 ёшда 75%ни ташкил этаркан. Камолот даврида интеллектнинг ривожланиши икки фактор: ички ва ташқи факторга боғлиқ. Иқтидор - бу ички фактордир. Иқтидорли кишиларда бу жараён, яъни ривожланиш узоқ давом этади ва инновацияларнинг кириб келиши кечроқ бўлади. Камолот даврида интеллект ривожланишининг ташқи факторларига таълимни киритиш мумкин. Зоро, айнан таълим камолот даврида қариш ва психик функцияларнинг инволюциясини тўхтатиб туради [5, 231-234-б]. [7]

Е.И.Степанова камолот даври интеллектуал тараққиётининг учта даврини ажратади. Биринчи давр-18-25 ёшгача, иккинчи давр- 26-35 гача ва учинчи давр 36-40 ёшгача. Ушбу микро даврлар хотира, тафаккур, дикқат ва умумий интеллектнинг турли темпда ривожланишини фарқлайди. Камолот даврида интеллектнинг ніхоятда ўзгарувчанлиги биринчи даврда кузатилади. Кейинги даврларда бу ривожланиш анча барқарорлашади. Иккинчи ва учинчи босқичда нутқий интеллектнинг ривожланиши яққол намоён бўлади. Ушбу даврларга қисқача характеристика Е.П.Ильин томонидан берилган бўлиб, у қуйидагича изоҳланган [8].

Эрта камолот - етилишга қадам қўйиш босқичи бўлиб, у организмнинг биологик етилиши, оптимистик рухнинг мавжудлиги, шахсий ва касбий келажакни режалаштириш, фуқаролик камолотига эришиш, ижтимоий ролларнинг ўзгариши билан ифодаланди.

Ўрта камолот - бу “очилиш” даври бўлиб, ижодий ва касбий муваффақиятга эришишнинг юқори босқичи, қайсиdir микдорда ҳаётий фаолликнинг камайиши, ўз билим, малака ва қўнималарини қуи авлодга қолдириш эҳтиёжининг мавжудлиги, лекин шу билан бирга, эриша олмаган ютуқлари ва муваффиқиятсизликларидан

# **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

ўкиниш ҳам давридир.

Кеч камолот - касбий ва профессионал фаолиятнинг якунланиши, янги ижтимоий ролларнинг юзага келиши, қарилик даврига ўтиш даври билан боғлиқдир.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Талаба психологик камолотига таъсир этувчи омилларнинг назарий-амалий жиҳатдан асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий моҳияти.** Талаба психологик камолотини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари «минимум-максимум даражаси», «ижтимоий интеллект», «шахслик хусусиятлари», «ўзини-ўзи камол топтириш» билан алоқадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг обьекти.** сифатида олий ўкув муассасалари педагогика-психология йўналиши талабалари (жами 1-4 курсларнинг 142 нафар талабаси) жалб эталган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Талаба психологик камолотини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шароитлари.

**Тадқиқотнинг усуслари** талабаларнинг психологик камолотини бир неча жабҳада ўрганишга йўналтирилган. Тадқиқотимизнинг дастлабки босқичида талабалар психологик камолотининг умумий ҳолатини ўрганишга эришилди. Бунинг учун С.С.Степановнинг «Ижтимоий ва психологик ёшни аниқлаш» методикаси, [9] Е.В.Каляева, Т.В.Прокофьеваларнинг “Шахс камолотини аниқлаш” га қаратилган сўровнома, У.Бутаеванинг “ВАС-вазиятнинг асосий сабаби” маҳсус ишлаб чиқилган методика, маҳсус ишлаб чиқилган “НОМ-носитуатив масъулият сўровномаси” [10] дан фойдаланилди. Талаба камолот даражасини ташхис қилишда дунё миқёсида кенг қўлланувчи энг машҳур методикалардан бири ижтимоий интеллектнинг ёш билан боғлиқ психологик жиҳатларига таъриф беришда Дж.Гилфорд [11] методикасининг натижаларига суюниб иш кўрдик.

Натижалар, биринчи навбатда талабаларнинг бир неча методикалар бўйича сўровномаларга жавоблари умумлаштирилган жадвал асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, талабаларнинг психологик камолот хусусиятлари бўйича ижтимоий ва психологик ёш кўрсаткичлари, носитуатив масъулият ва вазиятнинг асосий сабабини аниқлаш мезонларига таянилди. Респондентлардан олинган натижалар таҳлили методикаларнинг мезонига мувофиқ психологик камолотнинг даражалари аниқлаш бўйича амалга оширилди. Психологик камолот даражалари методикаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қўйи, ўрта, ўртадан юқори, юқори ва жуда юқорига ажратилди. Натижалар ўзаро даражалар бўйича қиёсий талқин этилди.

## **Муҳокама ва натижалар.**

Инсон камолоти масаласи таҳлилий жиҳатлари узоқ тарихий даврдан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказидаги муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда олиб борган тадқиқот ишларимизда психологик камолотини аниқлаш борасидаги дастлабки натижалар умумий характерга эга. Психологик камолот шахс эгаллаши лозим бўлган муҳим шахс сифатлари мужассамлаштирилган тимсол билан белгиланди. Унинг “Мен тимсоли”, “Мен ва бошқалар”, “Мен ва жамият” муносабатларда уйғунлашган энг муҳим шахс сифатлари ўз аксини топди. Респондентлар томонидан келтирилган натижаларнинг кўрсатишича, шахс камолотини унинг психологик ва ижтимоий камолоти билан баҳоланадиган жиҳатлари мавжудлиги аниқланди.

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

1-жадвал.

**Талабалар психологик камолотини баҳолаш методикалари кўрсаткичлари (қўйи ва ўрта камолот даражаси, n=142 )**

Шкалалар	Даражалар	M	$\sigma$	t
Психологик ёш	Қўйи	82,69	6,307	-12,883**
	Ўрта	94,76	2,589	
Ижтимоий ёш	Қўйи	2,76	0,431	-1,000
	Ўрта	2,85	0,472	
Вазият	Қўйи	4,54	1,640	-1,096
	Ўрта	4,92	1,471	
Иккиланиш	Қўйи	1,56	0,708	0,905
	Ўрта	1,42	0,644	
НОМ	Қўйи	9,57	2,037	0,262
	Ўрта	9,45	2,441	
ВАС	Қўйи	13,11	3,380	-1,646
	Ўрта	14,57	3,569	

Изоҳ:\*\*\* $p\leq 0,001$ .

Психологик камолот ва ижтимоий камолотни талқин қилишда шахснинг психологик имконияти, ўзини эмоционал-иродавий тартибга солиш усусларини ўзлаштирганлиги, ижтимоийлашувни тўлиқ босиб ўтганлиги, ўтмиш, бугун ва келажак тимсолига кўра шахснинг ривожланиши узвий камол топаётганлигини белгилаб беради. Тадқиқотнинг илк натижаларидан бири - психологик камолот даражаси қўйи ва ўртача бўлган талабалар натижалари талқин қилинганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли кўрсаткичга эга бўлган ҳолат биргина кўрсаткичда кузатилди. Бу ҳолат талабаларнинг “психологик ёш” шкаласи натижаларида кузатилди. Бу ҳолат психологик ёш кўрсаткичи ўрта даражалилар бўйича (94,76 ва 82,69) фарқлар ишончлилиги аниқланди ( $t=-12,883$ ,  $p\leq 0,001$ ). Психологик камолотни баҳолашнинг қолган шкалалари ўртасида катта фарқ кузатилмади. Психологик ёшдаги тафовут мавжуд бўлган шароитда ижтимоий ёшда шахсларда тафовут ёки фарқлар кузатилмаслиги мумкин экан. Бу ижтимоий ёш алоҳида мезонлар ва шахс сифатлари билан боғлиқни кўрсатади.

Бундан кўринадики, қўйи ва ўртача психологик етук бўлганларда психологик ёш кўрсаткичлари талабаларда эмоционал зўриқишиларни бартараф этиш, ўзининг имкониятлари, эмоционал интеллект, умумий интеллект, фаолият мотивлари шаклланганлиги билан боғланади.

Психологик камолот даражаси ўртача ва ўртачадан юқори даражали талабаларнинг методикалар бўйича кўрсаткичлари ўртасида ишончлилик фарқи ҳам олдинги гурӯҳ респондентлар сингари психологик ёш шкаласи бўйича кузатилди. Хусусан, (94,80 ва 82,69) фарқлар ишончлилиги аниқланди ( $t=-53,281$ ,  $p\leq 0,001$ ). Бошқа шкалаларда эса ҳеч қандай ортиқча тафовутлар кузатилмади. Бундан кўринадики, психологик ёш нуқтаи назаридан психологик камолоти қўйи, ўрта ва ўртачадан юқори жиҳатлилар бир-бирларидан шахс сифатларининг камол топганлиги билан ажralиб турган бир шароитда уларнинг ижтимоий ёши бўйича тафовутланишлари кузатилмас экан.

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

2-жадвал.

### Талабалар психологик камолотини баҳолаш методикалари кўрсаткичлари (ўртача ва ўртачадан юқори камолот даражаси, n=142)

Шкалалар	Даражалар	M	$\sigma$	t
Психологик ёш	Ўртача	94,76	2,589	-53,281***
	Ўртачадан юқори	103,85	2,998	
Ижтимоий ёш	Ўртача	2,77	,4763	0,684
	Ўртачадан юқори	2,72	,503	
Вазият	Ўртача	4,81	1,448	0,107
	Ўртачадан юқори	4,78	1,534	
Иккиланиш	Ўртача	1,41	,628	-0,484
	Ўртачадан юқори	1,46	,581	
НОМ	Ўртача	9,85	2,437	0,436
	Ўртачадан юқори	9,68	2,278	
ВАС	Ўртача	13,97	3,612	-1,389
	Ўртачадан юқори	14,80	3,387	

Изоҳ: \*\*\* $p \leq 0,001$ .

Талабаларнинг ижтимоий ёши уларнинг шахс сифатида ўзларини ижтимоий мухитда қандай тутишлари, ижтимоий мухитга мослашувчанлиги, “Мен ва бошқалар” муносабат тизимида ўзини тутиши, “Мен ва жамият” муносабатидаги эгаллаган позициялари билан белгиланади.

Биз шахсларнинг камолотининг аспекти сифатида ижтимоий интеллектини ҳам диагностика қиласиз ва унинг динамикасига ҳам эътибор қаратамиз. Қуйида (3-жадвал) тадқиқот натижалари шарҳига эътибор қаратамиз.

3-жадвал.

### Шахс камолот компонентларининг ижтимоий интеллект кўрсаткичлари

№	Ижтимоий интеллект субтестлари компонентлари	M	$\sigma$
1	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,18	0,59
2	Новербал хулқ-атворни тушуниш	3,30	0,86
3	Вербал экспрессияни тушуниш	2,89	0,62
4	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	2,79	0,95

Шахс камолотини белгилашда ижтимоий интеллектнинг ўрни масаласини ўрганишда Дж.Гилфорд методикасидан фойдаландик. Ушбу методика субтестлари шахс камолотининг баязи қирраларини ёритишга хизмат қиласи. Камолат тушунчасининг мазмуни ва методиканинг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, шахсларнинг мулоқотга ва ижтимоий шароитга мослашувчанликка қобилиятлилиги ҳамда инсонларни идрок этиш, улар билан мулоқотга киришимлилигидаги

## **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

---

интеграллашган интеллектуал қобилияти ўртача даражали қийматни ифодаламоқда. Демак, шахслар таълим жараёнида камолат сифати бўлган ижтимоий интеллектни ривожлантириш масаласига доимо эътибор қаратишлари лозим бўлади. Уларнинг ижтимоий интеллектини ифодаловчи мезонлардан “Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” бўйича ( $3.18\pm0.59$ ) ўртача кучли даражани намоён этди. Бу шахсларнинг одамлар билан муносабатни олдиндан башоратлашга, турли воқеа-ҳодисаларнинг боришини тахминлашга лаёқатлари бўлсада, аммо яққол тараққий этмаганини кўрсатади. Шунинг учун уни ривожлантириш лозим деган хулосани беради. Шахслар ушбу субтестни юқори даражада ечган тақдирда нотаниш инсонларнинг фотосуратига қараб, унинг кимлиги, ички кечинмалари ҳакида батафсил тавсиф бера олардилар. Аммо, шахслар ижтимоий интеллектининг бу жабхаси ўртачадан юқорироқ кўрсаткични кўрсатмоқда.

Шахсларда камолат ривожланишида новербал хулқ-атворни тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Улардаги ушбу новербал хулқ-атворни тушуниш бўйича кўрсаткичлар ҳам ўртачадан ( $3.30\pm0.86$ ) юқори қийматга эга бўлган. Бу эса шахслар ўзларини фаол ижтимоий муҳитга тайёрлашга, новербал сигналлар бўйича сезгириликка, одамларнинг новербал мулоқотлари ёрдамида, танасининг ҳолати, мимикаси ва хатти-харакатларига кўра баҳолаш кўнималари борлигидан далолат беради. Бу кўнималар борлиги шахсларкучлироқ ҳис қилган ҳолда ўзларидаги ушбу сифатни юқорироқ даражада шакллантиришга эришсалар, у ҳолда бу уларнинг фаол, стеник, чукур рефлексияга, мулоқотда инсонларнинг эмоционал ҳолатларига нисбатан сезгириликка, ўзларининг ҳис-туйғуларини ҳам тушунишга мойилликлари ортишини билдиради.

Шахсларнинг методикадаги қолган иккита субтест кўрсаткичлари, яъни вербал экспрессияни тушуниш ( $2.89\pm0.62$ ), шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш ( $2.79\pm0.95$ ) бўйича ўртачага яқинлигидан шахслар ижтимоий интеллектининг ушбу жабхалари ҳали ўртача даражада ҳам ривожланмаганлиги маълум бўлади. Бу эса, шахслар камолат қирраларининг тўлиқ ривожланмаганлигидан далолат беради.

Илмий тадқиқотимизнинг мақсади шахс-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик томонларини илмий жиҳатдан асослаш ва амалда синаб кўришга қаратилган. Бунинг учун шахсларнинг ижтимоий интеллектини баҳолашга хизмат қилувчи тест мезонлари ёрдамида уларнинг компонентларининг ўзаро корреляцион муносабатларини таҳлил Шахсларнинг ижтимоий интеллекти компонентлари орасида ижобий корреляцион муносабатлар кузатилмоқда. Ўртача қиймат бўйича таҳлилимида шахслардаги “мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” ва “новербал хулқ-атворни тушуниш” бўйича ўртачадан юқори кўрсаткичларга эгаликларини корреляцион муносабатлар тасдиқлади ( $r=0.401, p<0.05$ ). Яъни, шахслар шахслараро муносабатда интеллектуал қобилияtlари бирлигida умумий муҳитни, сұхбатдошларнинг хатти-харакатлари, шахсий фазилатларини, кечинмаларини баҳолаш имкониятлари ўзаро қонуният жиҳатидан боғлиқлиги тасдиқланди. Психологик етук даражасига эришиш шахснинг салоҳияти, ишchanлик қобилияти, ақлий ва ижодий фаолияти маҳсулдорлигига боғлиқ бўлиб, барча шахслар тараққиёт чўққисига эришади, деган маънони англатмайди.

Шахслар ҳәёти ва фаолиятида муваффақиятга эришиш учун “мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияtlарини ўстириб борсалар, “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш”да ҳам муаммоларга дуч келмасликлари илмий жиҳатдан исботини топмоқда ( $r=0.568, p<0.01$ ). Новербал хулқ-атворни тушуниш қобилияtinи ривожлантириш орқали

## **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

---

“шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этувчанликни камол топтиришлари мумкин экан ( $r=0.610$ ,  $p<0.01$ ). Камолат компонентлари билан ижтимоий интеллект миқдорларининг боғлиқлиги ҳам шахснинг психологик етилишида аҳамият касб этиши табиий.

Шахсларни психологик жиҳатдан етук шахслар қилиб вояга етказиш жараёнида, яъни камолат даврида ижтимоий интеллектни ривожланганлик ҳолатининг компонентлар орасида тафовутланишидаги фарқларни баҳолашга олиб келди (З-жадвал).

### **Хуносалар.**

1. Тадқиқотнинг ilk натижаларидан бири – талабаларда психологик камолот даражаси қўйи, ўртача, юқори ва жуда юқори психологик ёш даражаси аниқланди. Методика натижалари таҳлилига кўра, талабалар психологик камолотини олдинги анъанага мувофиқ қўйи, ўрта, ўртачадан юқори, юқори ва жуда юқори даражалар бўйича ажратилган ҳолат бўйича таҳлил қилинди.

2. Психологик камолот борасидаги изланишнинг ушбу босқич натижаларига кўра талабалардаги тафовутли ҳолатлар ўрганилаётган муаммо бўйича доимий равишда шахс камолотининг хар бир даражасида ўзига хос ижобий аҳамиятли сифатлар кузатилиши мумкинлиги бўлди. Камолотнинг бир-бирига яқин даражалари орасида эса, тафовутлар кескинлашиши ёки тенглашиши мумкинлиги ҳам кузатилар экан.

3. Юқори ва жуда юқори психологик ёш даражасига эга бўлган талабаларнинг натижаларида айrim шкалалардагина статистик тафовутлар аниқланди. Бу эса, статистик тафовутга эга бўлмаган шкалалар бўйича талабалар психологик камолот кўрсаткичлари бўйича мавжуд шахс сифатларида бир-бирларига яқин даражада эканликларидан далолат беради.

4. Талабанинг психологик камолотида унинг онги, фаолияти, ўз-ўзини англашидан иборат ички йўналтирувчи механизми муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг шахс сифатида ривожланиши, қизиқиши, характеристи, қобилияти, ақлий ривожланганлиги, эҳтиёжлари, меҳнат фаолияти билан белгиланади. Ана шу хусусиятлар ривожланиб, унинг ижтимоий ҳаётга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати маълум босқичга етганда у психологик камолот даражасига кўтарилади.

5. Талабаларда ижтимоий интеллектнинг мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш, новербал хулқ-атворни тушуниш мезонлари бир-бири билан боғланганлиги сингари ўзини ўзи англаш билан ҳам ижобий ҳамда тўғри корреляцион боғлиқликни акс эттириди;

6. Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, талаба йигитларда ва талаба қизларнинг натижаларига боғлиқ тарзда мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри, ниятларини тушуниш қобилиятлари новербал хулқ-атворни англаш ҳамда вербал экспрессияни аниқ тасаввур этиш билан тўғри корреляция намоён бўлди;

7. Талаба психологик камолотининг шаклланишига таълимий фаолият мавжуд ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этилгандагина муваффақ бўлинади. Унда таълим жараёнини демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш, дифференциациялаш, таълим жараёнига янги технологияларни киритиш ҳамда шахс интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ғоялар устувор ўрин тутади.

## **ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ**

---

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Avlaev O.U., Abdujalilova Sh. A. The role of social intelligence in personality maturity. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Scopus. Vol. 24, Issue 06, 2020 ISSN: 1475-7192. Page No. 428 – 436
2. Avlaev O.U., Burkhanov A.A., Ismoilova D.M., Norkuzieva M.A. Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual .“TEST enginering & management” .Scopus. May-June 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 693 – 702
3. Ананьев В. А. Основы психологии здоровья. Книга 1. Концептуальные основы психологии здоровья. - СПб, 2006
4. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. - М.: Наука, 1977. 158-159.
5. Бодалев А.А. Межличностное восприятие и понимание. Личность и общество. - М.: Педагогика, 1983.
6. Бутаева У.А., Писхологик етукликнинг ижтимоий-психологик асослари// дисс. PhD. Ташкент, 2019. - 145 с.
7. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. - Т. 1-4. Т. 1: А-З. - М.: 1994.
8. Ильин Е.П. Психология взрослости. - Питер., 2012. стр 7.
9. Маслоу А. Мотивация и личность. - СПб, 2006.
10. Михайлова (Алешина), Е.С. Тест Гилфорда диагностика социального интеллекта [Текст]: методическое руководство / Е.С. Михайлова (Алешина). – СПб.: ИМАТОН, 2006. – 56 с.
11. Роджерс К. Взгляд на психотерапию. Становление человека. - М.: 1994.
12. Русалов В.М. Психологическая зрелость: единая или множественная характеристика? // Психологический журнал. 2006. №5. С. 83-91.
13. Степанова Е.И. Психология взрослых –основа акмеологии. СПб., 1995
14. Шоумаров Ф.Б. ва бошқалар. Шарқона оила. – Т.: 2012. 122 б.

**УДК:**

**YANGI O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTIDA EKOLOGIK MADANIYATNI  
RIVOJLANTIRISHNING XUQUQIY-NAZARIY ASOSLARI**

**ПРАВОВАЯ И ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ОСНОВА РАЗВИТИЯ  
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В РАЗВИТИИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА**

**LEGAL AND THEORETICAL BASIS OF THE DEVELOPMENT OF  
ECOLOGICAL CULTURE IN THE DEVELOPMENT OF THE NEW  
UZBEKISTAN**

**Xusanov E.T. (O‘zbMU tayanch doktoranti)**

*Ushbu maqolada, ekologik madaniyatni rivojlanishda xususan, uchinchi Renessans davrida amalga oshirilayotgan chora tadbirlarning meyoriy-huquqiy va nazariy asoslarini o‘rganish, bu qoidalar tizimini ona tabiatni asrash yo‘lidagi ahamiyatini yoritib berish, shuningdek so‘ngi yillarda ekologik madaniyatni rivojlanishdagi qonun, qonun*